

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

БОЛТАЕВ АКМАЛ АКРАМОВИЧ

**ЁШ ВОЛЕЙБОЛЧИЛАРДА МАХСУС ИШ ҚОБИЛИЯТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВА УНИ ЎЙИН ДАВОМИДА САҚЛАШ
ИМКОНИАТИ**

**13.00.04 – Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти
назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АФТОРЕФАРАТИ**

Чирчиқ – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Болтаев Акмал Акрамович

Ёш волейболчиларда махсус иш қобилиятини ривожлантириш ва уни ўйин давомида сақлаш имконияти.....5

Болтаев Акмал Акрамович

Развитие специальной работоспособности юных волейболистов и возможность ее сохранения в течение игры.....31

Boltaev Akmal Akramovich

Development of special efficiency of young volleyball players and possibility of its preservation during the game.....59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....63

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

БОЛТАЕВ АКМАЛ АКРАМОВИЧ

**ЁШ ВОЛЕЙБОЛЧИЛАРДА МАХСУС ИШ ҚОБИЛИЯТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВА УНИ ЎЙИН ДАВОМИДА САҚЛАШ
ИМКОНИАТИ**

**13.00.04 – Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти
назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АФТОРЕФАРАТИ**

Чирчиқ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2018.1.Phd/Ped445 рақам билан рўйхатга олинган

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифанинг www.uzdjtsu.uz, ва "Ziyonet" Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Баирбеков Маматкул Гаипназарович**
педагогика фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар: **Тажибоев Сойиб Самижонович**
педагогика фанлари доктори, профессор
Болтаев Зайниддин Болтаевич
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: **Фарғона давлат Университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳузуридаги DSc. 03/30.12.2019.Ped.28.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил "17" сентябр соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй. Тел.: (0-370)-717-17 79; 717-27-27; факс: (0-370) 717-17-76, Веб-сайт: www.uzdjtsu.uz, e-mail: uzdjtsu@uzdjtsu.uz. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Б-бини, кичик мажлислар зали).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (2114 29 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй.

Диссертация автореферати 2021 йил "07" сентябр куни тарқатилди.
(2021 йил "07" сентябр даги 33 рақамли реестр баённомаси)



М.Р.Болтабаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

М.Х.Миржамолов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.б.ф.д, доцент

Б.Б.Мусаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ўринбосари п.ф.н., доцент.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

ертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда бугунги кунда географик жиҳатдан ҳам, сон жиҳатидан ҳам энг ан спорт турлари таркибидан жой олган. Эркактлар ва аёллар, ўғил ва қиз болалар учун турли баландликда тортилган тўрнинг икки томонида икки жамоа ўртасида кечадиган волейбол ўйини ўзининг нафис ва жозибали хатти-ҳаракатлари, техник усуллари ҳамда тактик комбинациялари билан миллионлаб каттаю-кичик турли ёшдаги инсонлар диққатини ром этиб, шуғулланувчиларнинг сони борган-сари ортиб бормоқда. Аммо, спортчилардан шундай бўлсада ушбу спорт тури билан мунтазам ва жиддий шуғулланиш ниҳоятда катта, ўта шиддатли юктамаларни бажариш билан боғлиқ бўлиб, спортчиларда юксак шаклланган жисмоний ва психофункционал имкониятлар мавжуд бўлишини талаб қилади. Ҳозирги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатларида волейбол спорт тури тез жадаллик билан ривожланмоқда.

Жаҳонда волейбол спорт турига танлаб олиш, йўналтириш ва турли ёш гуруҳларига мансуб волейболчилар тайёрлаш хусусиятлари, техник ва тактик тайёргарлик, жисмоний тайёргарлик, сакровчанлик, махсус тезкорлик, махсус чидамкорлик сифатларини тарбиялашга йўналтирилган кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилган. Ҳужумда қўлланиладиган якка тактик ҳаракатларга ўргатиш ва машғулотлар жараёнида қўлланиладиган техник воситаларни ишлаб чиқиш ва махсус тайёргарликни назорат қилиш юзасидан илмий изланишлар ўтказилган. Ҳозирги вақтда ёш волейболчиларнинг жисмоний иш қобилиятини шакиллантириш ва уни баҳолаш методикасини такомиллаштириш зарурати етарли даражада ўрганилмаганлигини ҳисобга олиб, ушбу йўналишда комплекс илмий тадқиқотлар олиб бориш зарурати юзага келмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда волейбол спорт тури айниқса болалар спортини ривожлантириш ва оммавийлаштиришга уствор йўналишлардан бири сифатида қаралмоқда. “Ёш авлодни ижодий ва интеллектуал салоҳиятини ошириш ва руёбга чиқариш, болалар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакиллантириш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш муҳим аҳамият касб этмоқда”.¹ Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси, унинг фаол саъйи-ҳаракати ва бевосита раҳбарлигида барча соҳалар каби жисмоний тарбия, оммавий ва профессионал спорт давлатимиз сиёсатининг уствор вазифалари қаторидан жой олган масалалардан биридир. Юртимизда волейбол спорт тури оммалашган спорт турларидан жой олган бўлсада аммо Халқаро спорт мусобақаларида спортчиларимизни юқори натижаларга эришиш волейбол бўйича спортчилар тайёрлаш тизимида етарлича хато ва камчиликлар борлигини кўрсатади чунки ёш волейболчиларни тайёргарлик жараёнларида

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июндаги «Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3031-сонли қарори. Халқ сўзи газетаси, 4 июнь. 2-3 б.

махсус иш қобилиятини ривожлантирмас эканмиз биз қўйилган мақсадга эришолмаймиз. Бу эса волейбол спорт турида юқори малакали спортчиларни тайёрлаш тизимидаги долзарб муаммолардан саналади.

2017 йил 9 мартдаги ПФ-2821-сон «Ўзбекистон спортчиларини 2020 йилда Токио шаҳрида (Япония) ўтказиладиган XXXII ёзги Олимпия ўйинлари ва Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 3 июндаги ПФ-5924-сон «Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 февралдаги ПҚ-3031-сон «2019-2023 йиллар даврида, «Жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 118-сон Қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган стратегик вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муаян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларини ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” билан боғлиқ устувор йўналишга мос равишда амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Диссертация мавзуси доирасида ва унга яқин йўналишларда мутахассис-олимлар томонидан ўтказилган илмий тадқиқотлар натижалари, уларнинг қиёсий таҳлилига асосланган хулосалар ҳамда амалий-услубий тавсиялар қатор илмий-назарий журналлар, Республика ва халқаро илмий анжуманлар тўпламлари, шу жумладан илмий асарлар ҳамда монографияларда чоп этилган. Жумладан етакчи олимлар В.М. Филин, Л.П. Матвеев, Л.П. Волков, В.Н. Платонов, М.А. Годик, Ж.К. Холодов, В.С. Кузнецов, Ю.В. Верхошанский, Л.Д. Назаренко, В.Д. Моногаров, В.П. Лукьяненко, В.М. Волков, О.Б. Немцов ва бошқалар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган.² Спорт ўйинларида ва хусусан волейболчилар тайёрлаш амалиётида, машғулотлар ва мусобақаларда техник-тактик имкониятларни самарали сафарбар этишни таъминловчи жисмоний тайёргарлик, спортчиларни тайёргарлик тизими кўп йиллик спорт машғулотларини барча босқичларида ривожлантириш қонуниятлари, восита ва услублар юкламалар ҳажми ва шиддатини спортчилар организмига таъсир

² Филин В.П. Спортивная подготовка как многолетний процесс. // Современная система спортивной подготовки. М.: САМ, 1995, С.351-389; Матвеев Л.П. Основы общей теории спорта и системы подготовки спортсменов. Киев, 1999. – 316с.; Волков Л.П. Теория и методика детского и юношеского спорта. Киев, Олимпийская литература, 2002. – 294с.; Платонов В.Н. Система подготовки спортсменов в Олимпийском спорте. Общая теория и ее практические приложения. Киев, Олимпийская литература, 2004. – 808с.; Годик М.А. Физическая подготовка футболистов. М.: Терра-Спорт, 2006. – 272с.; Холодов Ж.К., Кузнецов В.С. Теория и методика физического воспитания и спорта: Учеб.пособие. – М.: Академия, 2008. – 478с.; Верхошанский Ю.В. Основы специальной физической подготовки спортсменов. М.: Физкультура и спорт, 2007. – 331с.; Назаренко Л.Д. Средства и методы развития двигательных координаций. Монография / Л.Д. Назаренко. –М.: ТИПФК, 2003-258с.; Волков Л.П. Теория и методика детского и юношеского спорта. Киев, Олимпийская литература, 2002. - 294 с.; Немцов О.Б. Место точности движений в структуре физических качеств./ Ж. ТИПФК. № 8. 2003, С.22-26 с.

этиши, умумий ва махсус иш қобилияти, толиқиш аломатларини баргараф этиш ва иш қобилиятини тиклаш масалалари бўйича ишлар олиб борилган.

Ю.Д. Железняк, Ю.Н. Клепчев, А.В. Беляев, М.В. Савин, Л.В. Буликина, Л.Р. Айрапетьянц, А.Т. Гарипов, А.А. Пулатов, А.В. Суханов, Т.С. Усманходжаев, М.Г. Баирбеков, Т. Клеменс, Ж. Медовелл, К. Питтера, П. Педата, П. Паскулонилар томонидан турли спорт малакасига эга волейболчиларнинг умумий жисмоний иш қобилияти, шу жумладан кўп марталаб такрорланадиган, узок муддат давом этадиган машғулот ва мусобақаларда мавжуд техник-тактик тайёргарлик даражасини сақлаб туришга имкон яратувчи махсус иш қобилиятининг ўрганишга этибор қаратилган.³ Шу билан бир қаторда мазкур манбаларда 15-16 ёшли волейболчилар мисолида устувор жисмоний сифатлар, шу жумладан сакровчанлик, сакраш чидамкорлиги, техник-тактик ва функционал имкониятлар даражасини ифодаловчи махсус иш қобилиятини ихтисослаштирилган машқлар ёрдамида шакллантириш, уни машғулот ва ўйин давомида сақлаш масалаларига этибор қаратилмаган.

Диссертацион тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқот Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг илмий-тадқиқот ишлари концепцияси ва истиқбол режасининг № V.I/9 “Ўзбекистон ёшлар терма жамоаларида шуғулланувчи волейболчи ва баскетболчилар жисмоний иш қобилиятини ўрганиш ҳамда уни шакллантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш” мавзулари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади ёш волейболчиларда махсус иш қобилиятини ривожлантириш ва уни ўйин давомида сақлаш имкониятини экспериментал машқлар асосида шакиллантириш самарадорлигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

15-16 ёшли волейболчиларда махсус иш қобилиятини ифодоловчи сакровчанлик, сакраш чидамкорлиги, тезкор-куч ва компонентларини турли тайёргарлик цикларида ривожланиш суръатини аниқлаш;

15-16 ёшли волейболчиларда махсус иш қобилиятини баҳолаш бўйича қўлланилган юкламаларнинг функционал ҳолатига таъсирини инновацион технология асосида аниқлаш;

15-16 ёшли волейболчиларда махсус иш қобилиятининг жисмоний функционал ва техник-тактик компонентларини шакиллантириш асосида боғловчи ўйинчи томонидан 3-2 зонага бош орти оралиғига паст қисқа

³ Железняк Ю.Д. Волейбол: У истоков мастерства. ФАИР – ПРЕСС. М.: 1998. – 336 с.; Клепчев Ю.Н. Волейбол. М.: ФиС. 2003. - 399с.; Беляев А.В. Обучение технике игры в волейбол и её совершенствование. // Методическое пособие. Олимпия. Человек, М.: 2008. - 54 с.; Беляев А.В., Савин М.В. Волейбол. // Учебник для студентов вузов ФК. М.: ТВТ, 2005. – 360 с.; Айрапетьянц Л.Р. Волейбол. // Учебник для высших учебных заведений.Т.: Zarqalam. 2006. - 240 с.; Гарипов А.Т., Клепчев Ю.Ю., Фомин Е.В. Скоростно-силовая подготовка юных волейболистов. // Методические рекомендации. ВФВ, М.: 2009. - 45 с.; Аугаретыанс Л.Р., Пулатов А.А. Voleybol nazariyasi va uslubiyati. // Oliy o'quv yurtlari uchun Darslik. T.: 2011. - 278 b.;Т.С.Усмаходжаев. 500 харақатли ўйинлар ўқув қўлланма.Т.: 2011.-280с.; Teri Clemens, Jenny McDowell. The volleyball Drill book//125 technical and tactical Drills/American volleyball coaches association. 2012.-239s.; Pitteira C., PeData P., Pasqualoni P. Volleyball for 11-14 years old children/Federazione italiana pallovolo. 2010.- 685s.; Аугаретыанс Л.Р., Пулатов А.А. Voleybol nazariyasi va uslubiyati. // Oliy o'quv yurtlari uchun Darslik. T.: 2011. - 278 b.

траекторияда тўп узатиш машқлари ёрдамида «эшелон» ва «тўлқин хужум» комбинациялари такомиллаштириш;

15-16 ёшли волейболчиларда махсус иш қобилиятини (жисмоний тайёргарлик ва техник-тактик имкониятларни) шакллантиришга мўлжалланган ихтисослаштирилган машқлар ва ҳаракатли ўйинлар қўллаш дастурини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти 15-16 ёшли волейболчиларнинг машғулот жараёни олинган.

Тадқиқотнинг предмети 15-16 ёшли волейболчиларни тайёргарлик машғулотида махсус иш қобилиятини вазиятли машқлар ва ҳаракатли ўйинлар қўллаш жараёни шаклланиш сураътини ўрганишдан иборат .

Тадқиқотнинг услублари. Илмий-услубий адабиётлар таҳлили, педагогик кузатув, “стенография”, жисмоний сифатларни тестлаш, компьютерлаштирилган кардиопульсометрия BTL-08SD, Гарвард степ-тести, нафас олиш ритми ва гипоксик турғунликни аниқлашга мўлжалланган функционал тестлар (Штанге ва Генчи синовлари), педагогик тажриба, математик статистика услублари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

15-16 ёшли волейболчиларнинг турли тайёргарлик циклларида турган жойда сакраш баландлиги югуриб келиб сакраш баландлиги, сакраш чидамкорлиги кўрсаткичлари тезкор куч сифатини баҳолашнинг янги методикасини ишлаб чиқиш ҳисобига сакровчанлик компонентлари такомиллаштирилган;

15-16 ёшли волейболчиларнинг махсус иш қобилиятини баҳолаш учун 12 каналли электрокардиограф BTL-08SD технологиясидан фойдаланиб машғулот ва мусобақа циклларида юкламанинг турли шиддат зоналарида физиологик меъёр чегараларини ўзгаришидан келиб чиқиб машғулот мазмунига кичик хажмдаги лекин катта амплитудада бажариладиган воситаларни киритиш ҳисобига махсус иш қобилиятини ўйин давомида сақлаш имконияти кенгайтирилган;

15-16 ёшли волейболчиларнинг техник-тактик компонентлари хужум ҳаракатларини амалга оширишда ўйинчининг функционал имкониятидан келиб чиқиб зоналар оралиғида қисқа зарба паст траектория бўйича ўз зонасига ҳамда паст траектория бўйича бош орқасига 3-2-зоналар оралиғига қисқартирилган масофалар бўйича боғловчи орқали тўпни узатиш ҳисобига «эшелон» ва «тўлқин» комбинациялари такомиллаштирилган;

15-16 ёшли волейболчиларда махсус иш қобилиятининг жисмоний тайёргарлик ва техник-тактик компонентларини самарали шакллантиришга мўлжалланган янги ихтисослаштирилган жисмоний ва техник-тактик-39та машқлар ишлаб чиқиш ҳисобига жисмоний тайёргарлик ва техник-тактик компонентлари ҳамда уларни қўллаш дастури педагогик жиҳатдан такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат;

Волейбол амалиётида махсус иш қобилиятининг таркибий компонентлари-сакровчанлик, сакраш чидамкорлиги, тезкорлик куч сифатлари ва техник-тактик тайёргарлик (хужум зарбалари, тўп киритиш)ни баҳолаш бўйича қабул қилинган педагогик тестлар модификациялаштирилди.

Жисмоний, техник-тактик ва функционал кўрсаткичларни ўз таркибига бириктирувчи махсус иш қобилияти ва уни тикланиш суръатини интеграллаштирилган тартибда баҳолаш имконияти яратилди.

Жисмоний сифатлар ва техник тактик усулларни мақсадли ва самарали шакллантириш имкониятини яратувчи янги вазиятли машқлар ҳамда ҳаракатли ўйинлар мажмулари ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертацион ишнинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ ўтказилган тадқиқотлар натижаларининг ишончлилиги ҳамда уларнинг объективлигини таъминлаш мақсадида фойдаланилган янги ва модификациялаштирилган услуб-тестларни қўллашда стандартлаштирилган ёндашув асосида “тест-ретест” синовлари ўтказилди. Ушбу услуб ва тестлардан фойдаланишда маҳаллий ва хорижий мутахассис олимлар томонидан эътироф этилган ҳамда илм-фанда қабул қилинган метрологик тартиб-қоидалар, мантикий (дидактик) кетма-кетлик, холислик ва бошқа меъёрий талабларга риоя қилинди. Тадқиқот объектини танлашда текширувчиларнинг ёши, жисмоний имконияти ва спорт малакаси эътиборга олинди. Ишда қайд этилган илмий ғоялар, илмий-амалий аҳамиятга молик хулосалар ва услубий тавсиялар математик статистика услублари ёрдамида умумлаштирилган, табақалаштирилган ва қиёсий таҳлил қилинган тадқиқот натижаларига асосланган.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки 15-16 ёшли волейболчилар устида ўтказилган жорий тадқиқотлар ва педагогик тажриба натижалари махсус иш қобилиятини тинч ҳолатдаги даражаси, юкламалар давомида ўзгариши. Олинган натижалар ёш волейболчилар тайёрлаш амалиётида махсус иш қобилиятини мунтазам назорат қилиб бориш, унинг юкламалар таъсирида ўзгариш суръатини турли тайёргарлик босқичларида баҳолаш жисмоний ва функционал имкониятлар билан боғлиқ техник-тактик юкламалар ҳажми ва шиддатини оптималлаштириш чораларини белгилаб берди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган машқлар ва ҳаракатли ўйинларни илмий асосланган методик тартибда ҳафталик микроцикллар давомида мунтазам қўллаб бориш махсус иш қобилияти, шу жумладан унинг жисмоний, функционал ва техник-тактик компонентларини самарали шаклланишига олиб келди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги. Тадқиқотда қўлланилган анъанавий ва ноанъанавий услуб-тестлар, олинган натижалар ва 15-16 ёшли волейболчилар мисолида махсус иш қобилиятини жадал ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқилган;

15-16 ёшли волейболчиларнинг турли тайёргарлик циклларида турган жойда сакраш баландлиги югуриб келиб сакраш баландлиги, сакраш чидамкорлиги кўрсаткичлари тезкор куч сифатини баҳолашнинг янги методикаси бўйича таклифлар 2-сонли БЎСМ ўқув машғулот дастурига ўзгартиришлар киритиш асосида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги далолатномаси сана 22.11.2019 № 03-07-08-4491-сонли маълумотнома). Натижада жойида туриб баландлика сакраш 5,6 см га югуриб келиб баландлика сакраш 5,9 см яхшиланган;

15-16 ёшли волейболчиларнинг махсус иш қоблятини баҳолаш учун 12 канали электрокардиограф ВТL-08SD технологиясидан фойдаланиб машғулот ва мусобақа циклларида юкламанинг турли шиддат зоналарида бажариладиган воситалар бўйича таклифлар 2-сонли БЎСМ ўқув машғулот дастурига ўзгартиришлар киритиш асосида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги далолатномаси сана 22.11.2019 № 03-07-08-4491-сонли маълумотнома). Натижада 10-12% га ортди; аэроб чидамкорлик – 9-10% га ортди; анаэроб чидамкорлик – 3-16% гача ортди; кўлларнинг портловчи кучи – 17-19% га ортди;

15-16 ёшли волейболчиларнинг техник-тактик компонентлари ҳужум ҳаракатларини амалга оширишда ўйинчининг функционал имкониятидан келиб чиқиб зоналар оралиғида қисқа зарба паст траектория бўйича ўз зонасига ҳамда паст траектория бўйича бош орқасига 3-2-зоналар оралиғига қисқартирилган масофалар бўйича боғловчи орқали тўпни узатиш ҳисобига «эшелон» ва «тўлқин» комбинациялари бўйича таклифлар 2-сонли БЎСМ ўқув машғулот дастурига ўзгартиришлар киритиш асосида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги далолатномаси сана 22.11.2019 № 03-07-08-4491-сонли маълумотнома). Натижада 11-14% га ортди; зарба бериш чидамкорлигининг функционал қиймати – 15-18% га тежамланди; тўсиқ қўйиш чидамкорлигининг функционал қиймати – 12-14% га тежамланди;

15-16 ёшли волейболчиларда махсус иш қобилиятининг жисмоний тайёргарлик ва техник-тактик компонентларини самарали шакллантиришга мўлжалланган янги ихтисослаштирилган машқлар жисмоний ва техник-тактик-39та ишлаб чиқиш ҳисобига жисмоний тайёргарлик ва техник-тактик компонентлари ва уларни қўллаш дастури педагогик жиҳатдан такомиллаштириш бўйича таклифлар 2-сонли БЎСМ ўқув машғулот дастурига ўзгартиришлар киритиш асосида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги далолатномаси сана 22.11.2019 № 03-07-08-4491-сонли маълумотнома). Натижада 15-16%га тежамланди; “арчасимон” югуриш юкламаси (92 м)нинг функционал қиймати –13-14% га тежамланди; “кросс” югуриш юкламасининг функционал қиймати – 9-11% га тежамланди ;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро, 5 та Республика миқёсидаги илмий амалий анжуманларида, апробасиядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертацион тадқиқот мавзуси доирасида жами 14 та илмий, ўқув ва ўқув-услубий ишлар, шу жумладан 1 та ўқув-услубий қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари натижаларини чоп этишга тавсия қилинган Республика илмий журналларида 1 та Мактаб ва Ҳаёт журналида 2 та (“Фан-спортга”), ва халқаро илмий журналда (Германия) 1 та илмий мақола, 2 та халқаро анжуманда тезис нашрдан чиқарилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация “Кириш”, 4 та боб, “Хулоса”, “Амалий тавсиялар”, “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати”ни ўз таркибига киритган бўлиб, унинг матни 135 саҳифани ташкил этган. Диссертация 18 жадвал, 14 расм, 5 илова, ихтисослаштирилган машқлар ва ҳаракатли ўйинлар мажмуаларидан таркиб топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “**Кириш**” илмий-тадқиқот ишлари режалари доирасида амалга оширилганлиги, диссертациянинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқот усулublари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончилиги, тадқиқот натижаларининг илмий-амалий аҳамияти, уларнинг жорий этилиши, апробацияси ва эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ҳамда унинг ҳажми ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг “**Иш қобилияти ва унинг таркибий компонентлари**” деб номланган биринчи бобида ушбу масалаларга доир манбалар – илмий-методик маълумотлар, назарий ғоялар, машғулот дастурлари ва режалаштирув ҳужжатлари, мувофиқ мутахассис-олимларнинг фикр-мулоҳазалари қиёсий таҳлил қилинган. Аниқландики, волейбол амалиётида умумий ёки махсус жисмоний иш қобилиятини баҳолаш аксарият PWC₁₇₀, Гарвард степ-тести, Купер тести ва бошқа шунга ўхшаш функционал тестлардан фойдаланиш одат тусига кирган экан [А.И.Шамардин, 2000; В.П.Губа, 2010; Н.Д.Граевская, 1998; В.И.Дубровский, 2002]. Маълумки, бундай тестлар ёрдамида асосан жисмоний имкониятлар баҳоланади, аммо техник-тактик машқлар юкламаларига бардош беришни таъминловчи иш қобилиятини баҳолаш имкони бўлмайди. Манбалардан аниқландики, машғулот ва мусобақалар самарадорлиги ёки жисмоний ва техник-тактик тайёргарлик даражасини баҳолашда аксарият шу жараёнда бажариладиган машқлар ҳажми ҳамда шиддати эътиборга олинар экан. Лекин уларнинг функционал қийматини (юракнинг ритмик реакцияси, нафас олиш, нерв-мушак ва ҳ.) тадқиқотлар асосида аниқлашга урғу берилмаслиги [Ю.Д.Железняк, 2005; А.В.Беляев, 2011; Ю.Н.Клещев, 2005; А.А.Пулатов, М.А.Кдирова, 2018; Э.К.Ахмеров, 2010] аён бўлди.

Волейболчилар тайёрлаш тажрибасидан маълумки, профессионал волейбол жамоаларига ўқув-машғулот гуруҳларида шуғулланувчи ёш

волейболчилар 15-16 ёшдан бошлаб жалб қилина бошлайди. Бироқ, ўрганилган манбаларда бундай волейболчиларнинг жисмоний ва техник-тактик имкониятларини ифодаловчи иш қобилияти ўрнатилган меъёрий талаблар ҳамда модель кўрсаткичларга мос келиши ҳар доим ҳам назоратга олинмас экан. Таҳлил этилган библиографик маълумотлардан аниқландики, 15-16 ёшли волейболчиларда йиллик тайёргарлик цикллари бўйлаб интеграл тайёргарлик (жисмоний ва техник-тактик)ни ифодаловчи иш қобилияти ва унинг функционал қийматини ихтисослаштирилган машқлар ёрдамида шакллантириш ҳамда баҳолаш масалалари тадқиқот предмети сифатида етарлича ёритилмаганлиги аниқланди.

Диссертациянинг **“Тадқиқот методикаси ва уни ташкил қилиш”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, қўлланилган услуб-тестлар ва улардан фойдаланиш методикаси изоҳлаб берилган. Бу борада айниқса сакровчанлик – сакраш чидамкорлиги (43см. баландда ўрнатилган маркерга максимал марта сакраш), тезкорлик-куч чидамкорлиги ва уларнинг функционал қиймати (ЮҚЧ, НОЧ, АҚБ)ни аниқлаш технологияси ёритилган.

Юракнинг қисқариш ритми ва артерия қон босимининг систолик ва диастолик кўрсаткичларини аниқлашда қўлланилган Япониянинг **“ЭЙ энд ДИ”** компанияси томонидан ишлаб чиқилган автоматик тонометр UA-888 ўлчов асбобидан фойдаланиш шартлари кўрсатиб ўтилган.

Нафас олиш ритми, Купер тести, Штанге ва Генчи функционал тестлари ёрдамида аэроб ва анаэроб йўналишли назорат машқлари ҳамда машғулот юкламаларининг функционал қийматини аниқлаш тартиби келтирилган. Техник-тактик ҳаракатлар натижадорлигини аниқлашга мўлжалланган методик тестлар моҳияти ёритилган.

Ушбу бобда 12 ойлик педагогик тажрибанинг дастури, уни ўтказиш шартлари, муддатлари, назорат (НГ) ва тажриба (ТГ) гуруҳларида қўлланилган машғулотлар мазмуни тавсифланган.

Диссертацияда тадқиқот объекти сифатида 2016-2019 йилларда БЎСМ да 15-16 ёшли волейболчилар ва уларда олиб бориладиган машғулот жараёни танлангани айнан шу ёшдаги ўйинчилар профессионал волейбол жамоаларига жалб қилина бошлаши билан боғлиқлиги алоҳида таъкидланган.

Мазкур бобда олинган натижаларни статистик усуллар ёрдамида таҳлил қилиш ва қўлланилган услуб-тестларнинг информативлиги ҳамда натижаларнинг объективлиги ва ишончлилиги кўрсатиб ўтилган.


Диссертацион ишнинг **“15-16 ёшли волейболчиларда махсус иш қобилиятининг жисмоний, функционал ва техник-тактик тайёргарлик компонентларини анъанавий машғулотлар давомида шаклланиш суръати”** деб номланган учинчи бобида йиллик тайёргарлик циклларида ўтказилган кўп йўналишли жорий тадқиқотлар натижалари меъёрий талаблар ва модель кўрсаткичлар доирасида қиёсий таҳлил қилинган. Ушбу бобда махсус иш қобилиятининг куч кўрсаткичлари (ўнг ва чап қўл-оёқ кучи, 2 кг.ли тўлдирма тўпни ўтирган ва тик турган ҳолатларда максимал узоқликка

ташлаш), тезкорлик куч (30 м.га, 9-3-6-3-9 м.га, 1000 м.га югуриш), сакровчанлик ва сакраш чидамкорлигининг функционал компонентлари (ЮҚЧ, АҚБ, НОЧ, Штанге ва Генчи функционал синовлари натижалари) бўйича олинган тадқиқот натижалари йиллик тайёргарлик цикллари кесимида талқин этилган. Масалан, мазкур йўналишда ўтказилган тадқиқотлардан маълум бўлдики, 15-16 ёшли волейболчиларда ўнг ва чап оёқ-қўл мушакларининг абсолют кучи ўртасида яққол кўзга ташланувчи функционал асимметрия кузатилган бўлиб, унинг кўрсаткичлари тайёргарлик цикллари бўйлаб суст ўсганлиги қайд этилди (1-жадвал, 1-расм)га қаранг.

1-жадвал

15-16 ёшли волейболчиларда махсус иш қобилиятининг куч компонентларини тайёргарлик циклларида шаклланиш суръати, (n=65, $\bar{X} \pm \sigma$)

| Тестлар | Йиллик тайёргарлик бошида | Мусобақа циклларида аввал | Мусобақа цикллари дан кейин | Дастлабки натижаларнинг йиллик ўсиш суръати, (фарқи) |
|---|---------------------------|---------------------------|-----------------------------|--|
| Ўнг оёқда ўтириб-туриш, (марга) | 17,3±3,17 | 18,7±3,77 | 19,5±3,92 | +2,2 |
| Чап оёқда ўтириб-туриш, (марга) | 14,6±2,28 | 15,3±2,75 | 16,9±3,05 | +2,6 |
| Ўнг қўл билак-панжа кучи, (кг.) | 36,7±2,15 | 37,9±2,31 | 38,6±2,69 | +1,9 |
| Чап қўл билак-панжа кучи, (кг.) | 34,8±2,09 | 35,3±2,19 | 35,9±2,23 | +1,1 |
| 2 кг.ли тўлдирма тўпни ўтирган ҳолатда бош ортидан икки қўллаб максимал ораликқа ташлаш, (м.) | 7,62±1,12 | 7,89±1,23 | 8,67±1,57 | +1,05 |
| 2 кг.ли тўлдирма тўпни тик турган ҳолатда сакраб икки қўллаб бош ортидан максимал ораликқа ташлаш, (м.) | 11,4±2,16 | 11,9±2,17 | 12,7±2,23 | +1,3 |



1-расм. Ўнг ва чап қўл биллак-панжа кучи (кг.) ўртасидан асимметрик фарқининг йиллик тайёргарлик циклларида ўзгариши

Тўлдирма тўпни ўтирган ҳолатда ва тик туриб сакраб ташлаш орталиғи мувофиқ равишда $7,62 \pm 1,12$ м. дан $8,67 \pm 1,57$ м. гача ва $11,4 \pm 2,16$ м. дан $12,7 \pm 2,23$ м. гача ўзгарганлиги аниқланди. Меъёрий талаблар бўйича ушбу кўрсаткичлар 15-16 ёшли волейболчиларда $14,6 \pm 2,08$ м. ва $17,06 \pm 2,16$ м. га тенг бўлиши керак эди (С.В.Гаркуша, 2005). Оёқ-қўллар кучи ўртасида кузатилган функционал асимметрия сакровчанлик, сакраш чидамкорлиги ва тўсиқ қўйиш билан боғлиқ бўлган интеграл куч кўрсаткичларига салбий таъсир этиши муқаррар деб таъкидлаш мумкин. Тезкорлик-куч натижалари ҳам (2-жадвал) модель ва меъёрий кўрсаткичлардан сустифодаланганлиги маълум бўлди. Масалан, тадқиқотимизда иштирок этган 15-16 ёшли волейболчиларда “Арчасимон” югуриш 92 м. тезлиги йиллик тайёргарлик цикллари бўйлаб $26,7 \pm 3,19$ – $26,9 \pm 3,17$ сек. оралиғида қайд этилди ёки – 15-16 ёшли волейболчиларга мўлжалланган меъёрий кўрсаткичларга (25,5-26,0 сек.) нисбатан етарли бўлмаганлиги аниқланди. Натижалардан кўриниб турибдики, ушбу ёш волейболчиларда тезкорлик-куч сифатлари, шу жумладан чидамкорлик сифати ҳам, нафақат ўрнатилган стандартлардан сустифодаланган, балки йиллик тайёргарлик жараёнида ўтказилган анъанавий машғулотлар таъсирида янада тушиб борган.

15-16 ёшли волейболчиларда махсус иш қобилиятининг тезкорлик-куч компонентларини анъанавий тайёргарлик циклларида шаклланиш суръати ($n=65, \bar{X} \pm \sigma$)

| Тестлар | Йиллик тайёргарлик бошида | Мусобақа циклларида аввал | Мусобақа циклларида кейин | Дастлабки натижаларнинг йиллик ўсиш суръати, (фарки) |
|--|---------------------------|---------------------------|---------------------------|--|
| 30 м.га югуриш (сек.) | 5,2±0,47 | 4,9±0,35 | 4,7±0,29 | +0,5 |
| 9-3-6-3-9 м. га моксимон югуриш, (сек.) | 8,5±1,12 | 8,3±1,10 | 8,1±1,09 | +0,4 |
| “Арчасимон” йўналишда югуриш – 92 м., (сек.) | 26,7±3,19 | 26,5±3,18 | 26,9±3,17 | -0,2 |
| 1000 м. га югуриш – кросс, (мин./сек.) | 4.37,3±0.57 | 4.34,5±0.43 | 4.21,2±0,39 | +0.16,1 |

Бу борада замонавий волейболда етакчи роль ўйнайдиган сакровчанлик ва сакраш чидамкорлиги ҳам мазкур ёш волейболчиларда мувофиқ равишда 58,7±5,13 – 62,4±4,93 см. (жойдан баландлик ка сакраш), 63,8±4,49 – 66,9±5,27 см. (югуриб келиб сакраш) ва 28,6±3,23 – 29,9±3,58 мартани (сакраш чидамкорлиги) ташкил этган. 15-16 ёшли волейболчилар учун тавсия этилган меъёрий талабларда ўта паст миқдор ифодаланган. Масалан, унинг маълумотлари бўйича жойдан баландликка сакраш 70-80 см.га тенг бўлиши керак экан. Бундай кўрсаткичлар даражаси билан, масалан Россияда йил давомида ўтказиладиган расмий ўйинлар юқори юксак натижа кўрсатиш имконияти умуман бўлмайди. Бундай юкламаларга бардош бериш ва фойдали натижа кўрсатиш махсус иш қобилиятининг функционал компонентларга асосланиши исбот талаб қилмайди. Маълумки, тинч ҳолатда қайд этилган реал функционал кўрсаткичлар қанчалик тежамли ифодаланган бўлса, спортчилар фуционал холати юкламаларга бардош бериш даражаси шунчалик юксак бўлиши мумкин. Лекин жорий тадқиқотларда иштирок этган ёш волейболчиларда юракнинг қисқариш частотаси, артерия қон босимининг систолик ва диастолик кўрсаткичлари, нафас олиш частотаси бўйича қайд этилган дастлабки реал натижаар физиологик меъёр чегараларидан юқори даражада намойиш этилган бўлиб, функционал имкониятлар етарли шаклланмаганлигидан дарак беради. Эътиборли жойи шундаки, тинч ҳолатда кузатилган бундай реал кўрсаткичлар тайёргарлик цикллари бўйлаб ўтказилган машғулот ва мусобақа юкламалари таъсирида нафақат прогрессив томонга ўзгармаган, балки борган сари регрессив йўналишга кириб борган (3-жадвал)га қаранг. Чунончи, ЮҚЧ 69,2±4,61 зарба/дақ.дан 71,7±4,89 зарба/дақ. гача, систолик босим – 128,5±5,12 мм/с.у. га тенг кўрсаткичдан 133,4±4,73 мм/с.у. гача, диастолик босим – 67,1±3,22 мм/с.у. дан 73,2±3,34 мм/с.у. гача

НОЧ – $15,8 \pm 2,87$ марта/дақ. дан $16,4 \pm 3,03$ марта/дақ. гача кўтарилган. Аммо Штанге ва Генчи синовлари бўйича қайд этилган кўрсаткичлар суръати гипоксик турғунликни қисман бўлсада ўсганини кўрсатди.

3-жадвал

15-16 ёшли волейболчиларда махсус иш қобилиятининг функционал компонентларини анъанавий тайёргарлик циклларида шаклланиш суръати, ($n=65, \bar{X} \pm \sigma$)

| Тестлар | Йиллик тайёргарлик бошида | Мусобақа циклларида аввал | Мусобақа циклларида н кейин | Дастлабки натижаларнинг йиллик ўсиш суръати, (фарқи) |
|--|---------------------------|---------------------------|-----------------------------|--|
| ЮҚЧ, (марта/дақ.) | $69,2 \pm 4,61$ | $68,5 \pm 4,13$ | $71,7 \pm 4,89$ | -2,5 |
| АҚБ: систолик босим, (мм./с.у.) | $128,5 \pm 5,12$ | $125,7 \pm 4,73$ | $133,4 \pm 5,26$ | -4,9 |
| Диастолик босим, (мм./с.у.) | $67,1 \pm 3,22$ | $70,5 \pm 3,59$ | $73,2 \pm 3,34$ | -6,1 |
| НОЧ, (марта/дақ.) | $15,8 \pm 2,87$ | $14,5 \pm 2,67$ | $16,4 \pm 3,03$ | -0,6 |
| Штанге синови – чуқур нафас олиб нафасни сақлаш, (сек.) | $39,3 \pm 5,07$ | $41,7 \pm 5,26$ | $44,8 \pm 5,12$ | +6,5 |
| Генчи синови – чуқур нафас чиқариб, нафасни сақлаш, (сек.) | $23,9 \pm 2,98$ | $26,6 \pm 3,17$ | $28,7 \pm 3,25$ | +4,8 |

15-16 ёшли волейболчиларда иш қобилиятининг бир қатор техник-тактик кўрсаткичлари мусобақа циклларида аввал дастлабки кўрсаткичларга нисбатан ўсиб борган бўлса, шу циклда ўтказилган машғулот ва мусобақа юкламалари таъсирида сусайиб кетганлиги кузатилди. Маълумки, бугунги волейболда деярли барча техник-тактик усулларни ижро этиш самарадорлиги устувор жихатдан оёқ-қўл мушакларининг функционал имкониятларига боғлиқдир.

Фундаментал тадқиқотлардан маълумки, спорт турлари билан мунтазам шуғулланиш натижасида иш қобилиятининг жисмоний ва техник-тактик компонентларини шаклланиши билан бир қаторда спортчилар организмнинг функционал имкониятлари ҳам сайқал топиб боради [Л.П.Матвеев, 2005; В.Н.Платонов, 2013; Ж.К.Холодов, В.С.Кузнецов, 2008, 2014]. Лекин ушбу муаллифларнинг таъкидлашича, иш қобилиятининг жисмоний ва функционал компонентларини прогрессив йўналишда шакллантириш учун юкламалар ҳажми ва шиддати “тўлқинсимон” тартибда ошириб борилиши зарур экан. Ушбу муаммолар доирасида ўтказилган жорий тадқиқотлар шуни кўрсатдики, 15-16 ёшли волейболчиларда тайёргарлик цикллари бўйлаб олиб борилган анъанавий машғулотлардан аввал функционал имкониятларни акс эттирувчи ЮҚЧ, АҚБ, НОЧ кўрсаткичлари физиологик меъёрлар чегарасидан ортиқ даражада намоиш этилган бўлиб, биринчидан, циклдан циклга ўтиб, йиллик тайёргарлик жараёни якунига борган сари ортиб борган. Иккинчидан, ҳар циклда ўтказилган машғулотлар якунида ушбу физиологик функциялар реакцияси янада юксаклашиб кетганлиги кузатилди.

Диссертациянинг “15-16 ёшли волейболчиларда махсус иш

қобилиятининг таркибий компонентларини ихтисослаштирилган машқлар ёрдамида шакллантириш методикасини ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлигини педагогик тажриба асосида аниқлаш” деб номланган тўртинчи бобида 2017-2018 йилги тайёргарлик мавсуми давомида ўтказилган тажриба нитажалари қиёсий таҳлил қилинган. Маълумки, ўта кескин рақобат остида кечаётган бугунги волейбол мусобақаларида юксак натижаларга эришиш нафақат техник-тактик маҳорат билан белгиланади, балки шу маҳоратни узоқ муддатли шиддатли юкламалар таъсирида сақлаш имкониятини яратувчи жисмоний ва психофункционал тайёргарлик даражасига боғлиқдир [Ю.Д.Железняк, 1998, 2009; А.В.Беляев, 2011; А.А.Пулатов, 2012; Ю.Н.Клещев, 2005; С.Pittera, P.Pedata, P.Pasqualoni, 2010; T.Clemens, J.McDowell, 2012]. Шунинг учун ҳам мутахассис-олимлар ва тренерлар ушбу тайёргарлик турларини интеграл тартибда эрта ёшлиқдан бошлаб, айниқса профессионал жамоаларга ўтиш босқичида шуғулланаётган 15-16 ёшли волейболчиларда мунтазам шакллантириб боришга даъват этишади. Лекин афсуски, волейболчилар тайёрлаш амалиётида, ҳатто махсус манбаларда ҳам иш қобилиятининг жисмоний ва функционал компонентларини шакллантиришда умумий (ихтисослаштирилмаган) ҳамда ихтисослаштирилган машқлардан иерархик тартибда фойдаланишга урғу берилмайди. Ана шу муаммони эътиборга олган ҳолда **15-16 ёшли волейболчиларда махсус иш қобилиятининг жисмоний ва техник-тактик компонентларини шакиллантиришга мўлжалланган машқлар ҳамда ҳаракатли ўйинлар мажмуалари ишлаб чиқилди:** Тезкорлик-куч қобилиятини шакиллантирувчи машқлар.

1.Икки вариантли “юлдузча” шаклида моқисимон югуриш машқлари: 3-мартадан

2.Икки вариантли “орқа учбурчак ҳимояси” зоналарига (6, 1, 3-зоналар) моқисимон югуриш машқлари 3-мартадан:

3.Икки вариантли “олди учбурчак ҳимояси” зоналарига (6, 2, 4-зоналар) моқисимон югуриш машқлари 3-мартадан.

4. “Арчасимон” йўналишда югуриш машқи – 92 м 3-мартадан.

5. 9-3-6-3-9 м. га югуриш машқи – 3 марта такрорланади

6. Орқа чизик ўртасида ўрнатилган тўлдирма тўп олдидан 2,3 ва 4-зоналарда жойлаштирилган тўлдирма тўплар олдига навбатма-навбат югуриб бориб, кўкрак билан йиқилиб, тўпни қабул қилиш тақлидини бажариш машқи. Ҳар бир тўлдирма тўпга бир қўл теккизилиши шарт. Машқ 3 марта такрорланади.

Сакровчанлик ва сакраш чидамкорлигини ривожлантирувчи машқлар машқлар мажмуаси

1. Жойдан вертикал йўналишда максимал баландга 10 марта, чап елкадан 180° бурилиб, яна 10 марта, яна 180° бурилиб 10 марта, ўнг елкадан 180° бурилиб 10 марта, яна 180° бурилиб, 10 марта сакраш – жами 40 марта сакраш. 30 сек. дам олгандан сўнг машқ яна 1 марта такрорланади.

2. Шу машқ “гимнастик мата” устида бажарилади.

3. Шу машқ қум устида бажарилади.

4. Диаметри 40 см. ли бир-бирига бирлаштирилган 4 та айлана чизик ичида чапдан ўнг томонга, олдинга, чап томонга ва орқага, кейин акс томон йўналишида вертикал сакраш. Машқ ҳар томонга 10 мартадан – жами 80 марта сакраш.

5. Диаметри 40 см. ли, 10 см. ораликда ёнма-ён чизилган 10 та айлана бўйлаб вертикал сакраган ҳолда “бориб-келиш”. Машқ 5 марта – жами 100 марта сакраш.

6. Тик туриб, етакчи қўл юқорига кўтарилган баладликдан 43 см. баландда маркер осилади (тўлдирма тўп); волейболчи кетма-кет максимал марта сакраб маркерга етакчи қўли билан зарба беради. Машқ 30 сек. ли танаффусдан сўнг яна бир марта такрорланади.

7. Қўл ва оёқларни букувчи ва ёзувчи мушаклар кучини шакллантиришга мўлжалланган машқлар мажмуаси ва уни қўллаш методикаси.

1. Иккита теннис тўпини қўллар кафтларида ушлаб сиқиш-бўшатиш: қўлларни пастга туширган ҳолатда – 10-12 марта; қўлларни горизонтал ёзиб – 10-12 марта; қўлларни юқорига кўтариб – 10-12 марта; тўпсиз қўлларни пастга туширган ва юқорига кўтарган ҳолатларда силкитиш (релаксация) машқларини бажариш – 15 сек. дан 2 серия.

2. Девордан 2,5 м. ораликда ўтирган ҳолатда 2 кг. ли тўлдирма тўпни бош ортидан икки қўлаб тезкор куч билан деворга отиш – 9-10 мартадан 2 серия.

3. Шерикни елкага кўтарган ҳолатда оёқлар учига кўтарилиб-тушиш – 9-10 мартадан 2 серия.

4. Шерикни елкага кўтарган ҳолатда ўтириб-туриш – 5-6 мартадан 3 серия.

Техник-тактик тайёргарликни шакллантирувчи машқлар мажмуаси

1. Майдончанинг 6-зонасидан 3, 4, 5, 1, 2-зоналарида жойлаштирилган тўлдирма тўплар бўйлаб (ўнг ва чап томонга) “юлдузча” шаклида максимал тезликда моккисимон югуриш машқидан сўнг 1, 6, 5-зоналарнинг орқа қисмига юқоридан 3 мартадан тўп киритиш.

2. Шу машқ, фақат югуриш чапдан ўнг томонга ёки 3, 2, 1, 5, 4-зоналар бўйлаб бажарилади.

3. Зоналарга тўп киритиш “Арчасимон” югуришдан сўнг бажарилади.

4. Зоналарга тўп киритиш 9-3-6-3-9 м. га моккисимон югуриш машқидан сўнг бажарилади.

5. Зоналарга тўп киритиш 2, 3, 4-зоналарда кўкрак билан йиқилиб, тўпни қабул қилиш тақлидидан сўнг бажарилади.

Тезкорлик-куч, сакровчанлик ва сакраш чидамкорлигини ўстиришга мўлжалланган ҳаракатли ўйинлар мажмуаси ва уни қўллаш методикаси.

1. “Тўлдирма тўпларни олиб кел ва олиб бор!” ўйини.

2. “Белгиланган ҳар бир зонада 3 мартадан тўсик қўй ва тезда тўп киритиш зонасига етиб кел!” 3 мартадан ва уларни қўллаш методикасининг самарадорлиги педагогик тажриба асосида аниқланди. Ўтказилган жорий тадқиқотлар ва тажриба натижаларидан маълум бўлдики, анъанавий мазмунли

машғулотлар 15-16 ёшли волейболчиларда иш қобилиятининг жисмоний ва функционал компонентларини прогрессив йўналишда шакллантириш қийматига эга эмас экан. Бундай ҳолат тажриба бўйлаб ана шундай машғулотларда шуғулланишни давом эттириб борган НГда яққол кўзга ташланди. Аммо 12 ой давомида таркибига ихтисослаштирилмаган ва ихтисослаштирилган машқлар киритилган экаспериментал машғулотларда мунтазам шуғулланиб борган ТГда волейболга хос иш қобилиятининг устувор жисмоний ва функционал компонентлари прогрессив натижалар билан қайд этилганлиги аниқланди. Чунончи, ўнг ва чап оёқда ўтириб-туриш сони НГда тажрибадан аввал мувофиқ равишда 14,9±2,17 ва 10,5±1,86 марта, тажрибадан кейин 15,2±2,19 ва 11,8±1,72 мартани ташкил этган. Кўриниб турибдики, ушбу кўрсаткичларнинг асимметрик фарқи 4,4 ва 3,4 марта билан ифодаланган. Лекин, мазкур кўрсаткичлар ТГда симметрик томонга ўзгаргани кузатилди.

Волейболда ҳужум зарбаларини ўнг қўлда ҳам, чап қўлда ҳам бир хил маҳорат билан ижро этиш тактик ҳаракатлар кўламини кенгайтиради. Бундай зарбаларни беришда қўлларнинг билак-панжа кучи ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Лекин ушбу куч кўрсаткичи тажрибадан аввал НГда ҳам (38,5±2,47 кг. – ўнг қўл, 36,6±2,15 кг. – чап қўл), ТГда ҳам (37,9±2,03 кг. – ўнг қўл, 36,3±1,77 кг. – чап қўл) нафақат етарли ривожланмаганлиги маълум бўлди, балки ўнг ва чап панжа кучи ўртасида асимметрик фарқ мавжуд эканлиги кузатилди. Лекин, ТГда тажриба якунига келиб ўнг ва чап билак-панжа кучи. Замонавий волейболда сакровчанлик ва сакраш чидамкорлиги Тажриба натижаларидан маълум бўлдики, тўсиқ қўйиш учун муҳим бўлган жойдан сакраш баландлиги анъанавий машғулотларда шуғулланишини давом эттириб борган НГда тажрибадан аввал 61,7±3,67 см. тажрибадан кейин 62,3±3,88 см. ТГда тажрибадан аввал 61,8±3,52см. тажрибадан кейин 67,4±2,17см. ни ташкил этди

4-жадвал

Иш қобилиятини тиклаш (ошириш)га мўлжалланган секин шиддатли ва максимал амплитудали машқлар

| Машқлар номи ва қисқача мазмуни | Мушакларнинг ишлаш режими | Ҳолатни сақлаш вақти | Такрорлаш сони (шиддати) |
|---|---|----------------------------------|---|
| Гимнастика ўриндикда оёқларни ёзиб-ўтирган ҳолатдан орқага амплитудада эгилиш ва дастлабки ҳолатга қайтиш | Эгилишда таранглаштирилади дастлабки ҳолатга қайтишда бўшаштирилади | 25-30 сек 5-10 сек | 2 марта нафас олиб, нафас тўхтатилади 2 марта нафас чиқариб, нафас тўхтатилади 2 марта чуқур нафас олиб, чуқур нафас чиқарилади |
| Гимнастика ўриндикда оёқларни эгилиш пешона тиззага текунча ва дастлабки ҳолатга қайтиш | Эгилишда таранглаштирилади дастлабки ҳолатга қайтишда бўшаштирилади | 25-30 сек 5-10 сек | 2 марта нафас олиб, нафас тўхтатилади 2 марта нафас чиқариб, нафас тўхтатилади |
| Оёқларни ён томонларга амплитудада ёзиб ўтирган ҳолатдан гавдани олдинга. - ўртача ўнг оёқ бўйлаб чап оёқ бўйлаб | Эгилишда таранглаштирилади дастлабки ҳолатга қайтишда бўшаштирилади | 5-10 сек 5-10 сек 5-10 сек | 2 марта нафас олиб, нафас тўхтатилади 2 марта нафас чиқариб, нафас тўхтатилади |

| | | | |
|--|--|-----------------------|------------------------|
| Қорин билан ётган ҳолатдан икки қўлга таяниб гавда –бошни амплитудада юқорига-орқага эгиш дастлабки ҳолатга қайтиш | Эгилиш вақтида мушаклар таранглаштирилади дастлабки ҳолатга қайтишда бўшаштирилади | 25-30 сек 5-10 сек | 3-4 марта 5-6 марта |
| Ўтирган ҳолатда қўлларни елкага жойлаштирган гимнастик даста устига ёзиб,гавдани ўнг томонга амплитудада буриш | Эгилиш вақтида мушаклар таранглаштирилади дастлабки ҳолатга қайтишда бўшаштирилади | 15-20 сек | 5-6 марта |
| Шу машқ гавдан чап томонга амплитудада буриш | Эгилиш вақтида мушаклар таранглаштирилади дастлабки ҳолатга қайтишда бўшаштирилади | 15-20 сек | 5-6 марта |
| Чалқонча ётган ҳолда оёқларни ёқорига кўтариб мушакларни бўшаштириш силкитиш | Эгилиш вақтида мушаклар таранглаштирилади дастлабки ҳолатга қайтишда бўшаштирилади | 5-10 сек | 3-4 марта |

5-жадвал

15-16 ёшли волейболчилардан иборат назорат ва тажриба гуруҳларида махсус иш қобилиятининг сакровчанлик компонентларини 12 ойлик педагогик тажриба давомида шаклланиш динамикаси, (n=65, $\bar{X} \pm \sigma$)


| Тестлар | Гуруҳ | Тажрибадан аввал | Тажрибадан кейин | Кўрсаткичлар фарқи | t | p |
|---------------------------------------|-------|------------------|------------------|--------------------|------|--------|
| Жойдан туриб баландлика сакраш, (см.) | НГ | 61,7±3,67 | 62,9±3,88 | +1,2 | 1,78 | >0,05 |
| | ТГ | 61,8±3,52 | 67,4±2,17 | +5,6 | 3,72 | <0,001 |
| Югуриб келиб баландлика сакраш, (см.) | НГ | 65,9±4,43 | 66,9±4,48 | +1,4 | 1,76 | >0,05 |
| | ТГ | 65,8±4,13 | 71,7±3,19 | +5,9 | 3,42 | <0,01 |
| Сакраш чидамкорлиги, (марта) | НГ | 29,5±3,34 | 30,8±3,41 | +1,3 | 1,81 | >0,05 |
| | ТГ | 30,3±3,12 | 34,9±2,47 | +4,6 | 3,43 | <0,01 |

Жойдан сакраш баландлигининг 12 ойлик статистик ишончсиз ўсиш суръати ушбу гуруҳда 1,2 см.ни ташкил этди, холос ($t=1,78$ ва $p>0,05$). Тажриба давомида ўз машғулотларида экспериментал мазмунли ихтисослаштирилган машқларни бажариб борган ТГда эса жойдан сакраш баландлиги тажриба бошланмасдан олдин $61,8 \pm 3,52$ см., тажриба якунига келиб мазкур кўрсаткич $67,4 \pm 2,17$ см. га тенг бўлди ёки сакровчанликнинг

12 ойлик статистик ишончли ўсиш фарқи 5,6 см. ни ташкил ($t=3,72$ ва $p<0,001$) этди (2-расм)га қаранг. 3-бобда қайд этилганидек, жойдан сакраш баландлиги 15-16 ёшли волейболчиларда меъёрий талаблар бўйича 70-80 см. оралиғида бўлиши лозим. Юқори малакали ва катта ёшли волейболчиларда эса 84-86 см. ни ташкил этиши керак экан (В.Н.Селуянов, 2000).

Югуриб келиб сакраш баландлиги деярли барча зоналардан ҳужум зарбаларини ижро этишда, айниқса 4 ва орқа зоналардан ҳужумни амалга оширишда етакчи аҳамиятга эгадир. Лекин тадқиқотимизга жалб қилинган ёш волейболчиларда сакровчанликнинг бу тури ҳам меъёрий талаблардан паст

бўлгани (15-16 ёшли волейболчилар учун югуриб келиб сакраш баландлигининг меъёри 78-88 см.) кузатилди. Чунончи, НГда ушбу кўрсаткич тажрибадан олдин $65,9 \pm 4,43$ см., тажрибадан кейин $66,9 \pm 4,48$ см. билан ифодаланди. Югуриб келиб сакраш баландлигининг статистик ишончсиз ўсиш суръати 1,4 см.ни ташкил этди, холос ($t_{cr}=1,76$ ва $p>0,05$).



2-расм. Назорат ва тажриба гуруҳларида сакраш кўрсаткичларининг тажриба якунида ўсиш суръати

ТГда эса ушбу кўрсаткичлар мувофиқ равишда $65,8 \pm 4,13$ см. (тажрибадан аввал) ва $71,7 \pm 3,19$ см. га (тажриба якунида) тенг бўлди ёки сакровчанликнинг 12 ойлик ўсиш фарқи мазкур гуруҳда 5,9 см. гача статистик ишончли ортди ($t=3,42$, $p<0,01$). Жойдан ва югуриб келиб сакраш баландлигининг меъёрий кўрсаткичлардан паст даражада қайд этилганлигининг асосий сабаблари биринчидан, анъанавий машғулотларда сакровчанликни ҳар доим ҳам ихтисослаштирилган машқлар асосида ривожлантирилмаслиги бўлса, иккинчидан, сакраш машқларини бажаришда кўлларнинг фаол аэродинамик ҳаракатига эътибор берилмаслигидир. Айрим тадқиқотлардан маълумки, вертикал сакраш вақтида кўлларнинг фаол аэродинамик ҳаракати кўшимча инерцион кучни юзага келтириб, сакраш баландлигининг ортишига туртки беради. Агар бир ёки икки кўлни танага боғлаган ҳолда вертикал сакраш машқи бажариладиган бўлса, сакраш баландлиги кескин тушиб кетар экан.

Педагогик тажрибада иштирок этган 15-16 ёшли волейболчиларда юқорига кўтарилган кўллар учидан 43 см. баландда белгиланган маркерга максимал марта сакраш тести ёрдамида аниқланадиган сакраш чидамкорлиги икки гуруҳда ҳам дастлабки натижалар (тажрибадан аввал) бўйича етарли

шаклланмаганлигини кўрсатди. Жумладан, тажрибадан олдин ушбу кўрсаткич $29,5 \pm 3,34$ мартани ташкил этган бўлса, тажрибадан кейин мазкур кўрсаткич $30,8 \pm 3,41$ марта билан ифодаланди. Сакраш чидамкорлигининг ўсиш суръати 12 ойлик анъанавий машғулотлар таъсирида 1,3 мартага статистик ишончсиз ортди, холос ($t=1,76$ ва $p>0,05$). ТГда эса сакраш чидамкорлиги тажриба бошланмасдан аввал $30,3 \pm 3,12$ мартага тенг бўлди, 12 ойликэкспериментал машғулотлар таъсирида мазкур кўрсаткич 4,6 мартагача статистик ишончли ортди ($t=3,43$ ва $p<0,01$).

Волейбол бўйича етакчи мутахассис-олимлар ва амалиётчи-тренерларнинг таъкидлашича, профессионал волейболда ҳаракат тезкорлиги, портловчи куч, динамик ва инерцион куч, аэроб ва анаэроб чидамкорлик каби жисмоний сифатларни мақсадли ривожлантириш билан бир қаторда сакраш чидамкорлигини шакллантиришга алоҳида эътиборбериш сакраб ижро этиладиган барча техник-тактик усуллар самарадорлигини узоқ муддат давомида сақланишига имкон яратар экан [Ю.Д.Железняк, 2009; А.В.Беляев, 2009; А.В.Беляев, А.В.Буликина, 2011; Ю.Н. Клещев, 2009; А.В.Суханов, Е.В.Фомин, Л.В.Буликина, 2012; А.Г.Фурманов, 2007; Э.К.Ахмеров, 2010; Д.Аззара, 2008; Т.Clemens, J.McDowell, 2012].

Тажрибадан аввал ва кейин назорат ҳамда тажриба гуруҳларида тезкорлик-куч сифатларини акс эттирувчи кўрсаткичлар (30 м. га югуриш – умумий тезкорлик, 9-3-6-3-9 м.га югуриш – махсус тезкорлик, “арчасимон” югуриш – 92 м. – тезкорлик чидамкорлиги, Купер тести ва 1000 м.га югуриш – умумий чидамкорлик) тажриба якунига келиб мувофиқ регрессив ва прогрессив йўналишларда қайд этилди (6-жадвал).

6-жадвал

15-16 ёшли волейболчилардан иборат назорат ва тажриба гуруҳларида махсус иш қобилиятининг тезкорлик-куч компонентларини 12 ойлик педагогик тажриба давомида шаклланиш суръати, ($n=65$, $\bar{X} \pm \sigma$)

| Тестлар | Гуруҳ | Тажрибадан аввал | Тажрибадан кейин | Кўрсаткичлар фарқи | t | p |
|---|-------|-------------------|-------------------|--------------------|------|--------|
| 30 м.га югуриш, (сек.) | НГ | $4,9 \pm 0,67$ | $4,7 \pm 0,39$ | +0,2 | 1,90 | >0,05 |
| | ТГ | $5,3 \pm 0,78$ | $4,1 \pm 0,33$ | +1,2 | 4,16 | <0,001 |
| 9-3-6-3-9 м.га моқисимон югуриш, (сек.) | НГ | $8,4 \pm 1,12$ | $8,1 \pm 1,09$ | +0,3 | 1,85 | >0,05 |
